



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 йил «17» январь

26-14-0-Q/22

Тошкент шаҳар ҳокимлиги

### Тошкент шаҳрида коронавирус инфекциясини тарқалишининг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Тошкент шаҳрида коронавирус инфекциясини кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси йиғилишининг” 92-сонли баёнидаги топшириқларни бажариш мақсадида, шунингдек, Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 2022 йил 14 январдаги 01/99-сонли мурожаатини инобатга олиб;

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Жорий йилнинг 11 январдаги “Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус комиссияси йиғилишининг” 92-сонли баёни маълумот учун қабул қилинсин.
2. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (А.Алимов), туман ҳокимликлари:

хар бир туманда биттадан жами 12 та коронавирус инфекциясини даволашга ихтисослашган махсус поликлиникалар фаолияти ташкил этилсин;

ихтисослашган махсус поликлиникалар фаолияти 2021 йилнинг 7 июнидаги Ўзбекистон Республикаси Молия ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан тасдиқланган “Ихтисослашган махсус поликлиникалар фаолиятини йўлга қўйиш тартиби” асосида ташкил этилсин.

3. Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (А.Алимов), Сергели тумани ҳокимлиги (Э.Шукуров), Миробод тумани ҳокимлиги (Ш.Пулатов), Янгиҳаёт тумани ҳокимлиги (Х.Иногамов):

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни қабул қилиш ва даволаш учун 3 та саралаш ва таксимлаш марказларини очиш таъминлансин.

Сергели туманида жойлашган 2-сон болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган саралаш марказига (230 ўрин) шаҳар 2-сон юқумли касалликлар клиник шифохонаси;

Миробод туманида жойлашган туман спорт ўйинлари ва енгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ташкил этилган саралаш марказига (225 ўрин) шаҳар 4-сон клиник шифохонаси;

Янгиҳаёт туманида жойлашган Тошкент шаҳар политехника техникумида ташкил этилган саралаш марказига (340 ўрин) шаҳар теританосил касалликлар диспансери бириктирилсин:

4. Туман ҳокимлари:

уч кунлик муддатда туман ҳудудида жойлашган барча бирламчи тиббий-санитария муассасаларига қўшимча 3 тадан (жами 234 та) енгил автомашина бириктирилсин.

барча бирламчи тиббий-санитария муассасаларига қўшимча бириктирилган автомашиналарга сарфланадиган ҳамда коронавирус

инфекцияси билан боғлиқ бошқа харажатлар учун маблағлар асосланган ҳисоб-китобларга кўра туман маҳаллий бюджетининг кўшимча маблағлари ҳисобидан қопланиши инобатга олинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари (Х.Шакиров, Д.Рахимова), Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Истамуллаев), Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (А.Алимов), Тошкент шаҳар санитария-эпидемиологик осойишталик маркази (М.Кудратходжаева):

коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни қабул қилиш ва даволаш учун 3 та саралаш ва тақсимлаш марказларини талаб асосида махсус устама тўловлари, дори воситалари, тиббий буюмлар, озик-овқат ҳамда бошқа харажатларга Тошкент шаҳри учун Республика бюджетидан коронавирус инфекциясига қарши курашиш талбирларига ажратилган маблағлари ҳисобидан молиялаштириш чоралари кўрилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахимова ҳамда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи А.Алимов зиммаларига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.